

“Kogon paxta tozalash”  
aksiyadorlik jamiyati  
акциядорларининг  
2023 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги  
умумий йиғилиш баённомаси билан  
“ТАСДИҚЛАНГАН”  
раислик қилувчи

---

“Kogon paxta tozalash”  
aksiyadorlik jamiyati  
кузатув кенгаши йиғилишида  
“МАЪҚУЛЛАНГАН”  
йиғилиш раиси

---

“\_\_” \_\_\_\_\_ 2023 йил

**“Когон пахта тозалаш” АЖнинг  
2023 йил учун мўлжалланган  
БИЗНЕС-РЕЖАСИ**

## МУНДАРИЖА

1. Жамият фаолиятининг мақсади ..... 3-бет
2. Жамият тўғрисида маълумот..... 3-бет
3. Жамият стратегияси (иш услуби)..... 4-бет
4. Жамиятда сотиладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар бўйича маркетинг стратегияси ..... 5-бет
5. Жамиятнинг маркетинг концепцияси. Моддий ресурслар ва сотиш прогнозлари ..... 6-бет
6. Жамиятда иш юритиш услубининг ИСО 9000 стандарти талабларига мувофиқлиги ..... 7-бет
7. Жамиятнинг ташкилий тузилмаси ..... 7-8 бет
8. 2023 йилда жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ харажатлари ..... 9-11 бет
9. Жамиятнинг 2023 йилга мўлжалланган молиявий режаси.....11-12-бет
10. Жамиятда дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш режаси...12-бет
11. Жамиятнинг 2023 йилда кутилаётган бухгалтерия баланси ..... 11-13-бет
12. 2023 йилда кутилаётган молиявий натижалари ..... 14-бет
13. Хулоса ..... 15 бет
14. Иловалар ..... 15-бет

## 1. Жамият фаолиятининг мақсади.

- “Когон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятдан фойда олишдир.

- Жамиятининг мақсади пахта етиштирувчи хўжаликлардан қабул қилинган пахта хом-ашёсини сифатли қайта ишлаб, стандартлар талабларига жавоб берадиган пахта маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан иборатдир.

## 2. Жамият тўғрисида маълумот.

1. Жамиятнинг номланиши:

тўлиқ номи – “Когон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти.

қисқа номи – “Когон пахта тозалаш” АЖ.

2. Ташкилий – ҳуқуқий шакли: Акциядорлик жамияти.

3. Жамиятнинг юқори ташкилоти: “Бухоро агрокластер” МЧЖ.

4. Жамиятнинг юридик ва алоқа манзили: Ўзбекистон Республикаси, Бухоро вилояти, Когон шаҳри, Пахтакор кўчаси 1-уй.

5. Давлат рўйхатидан ўтган санаси ва рақами: 10.01.2017 йилда 2046/1-сон рақам билан рўйхатдан ўтган.

- «Когон пахта тозалаш» АЖ 1973 йилда ишга туширилган;

- Пахта тозалаш корхонаси 1 батареяли ишлаб чиқариш жараёнидан иборат;

- Пахта тозалаш корхонаси 40 000 тоннагача пахта хом-ашёсини қайта ишлаш қувватига эга;

- Пахта хом-ашёсини қуритиш-тозалаш цехида 1 СБ-10 – қуритиш барабанларида қуритилади. Қуритилган пахта хом-ашёси УХК тозалагич линиясида дағал ва майда ифлосликлардан тозаланади. Тозаланган пахта хом-ашёси тола ажратиш цехида 5 ДП – 130 (джин) ускуналарида чигитдан толани ажратади. Олинган пахта толаси пресслаш цехида ДБ-8237 пресс ускунасида тойланади. Тойланган пахта толаси электрон тарозиларда тортилиб, лентали транспортер ёрдамида тайёр маҳсулотлар омборига ўтказилади;

- 5 ЛП линтер агрегатларида чигитдан момик ажратиб олиниб, момик ДА-8237 пресс ускунасида тойланади. Тойланган момик электрон тарозида тортилиб, тайёр маҳсулотлар омборига ўтказилади. Чигит маҳсулоти тарозида тортилиб элеватор ва шнеklar орқали чигит омборига узатилади.

6. Жамиятнинг реквизитлари: АТБ “Агробанк” Бухоро шаҳар филиали, х/р: 20210000900578887001, МФО: 00089, СТИР: 201108371, МХТУ: 17111. ОКЭД 13101

7. Жамият Устав фондининг миқдори 6 960 000,0 минг сўм бўлиб, 2 400 000 дона акцияни ташкил этади.

Жумладан:

- “Бухоро агрокластер” МЧЖ улуши 51%, яъни 3 549 600,0 минг сўм, 1 224 000 дона акция;

- Эркин савдо улуши 42%, яъни 2 923 200,0 минг сўм, 1 008 000 дона акция;

- Мехнат жамоаси улуши 7% яъни 487 200,0 минг сўм, 168 000 дона акция.

2 345 544 дона оддий ва 54 456 дона имтиёзли акциялар бўлиб, акцияларнинг номинал қиймати 2900 сўмни ташкил этади.

### **3. Жамият стратегияси (иш услуби).**

#### **Қуйидагилар жамиятнинг асосий вазифалари ҳисобланади:**

3.1. Пахта хом-ашёсини харид қилиш ва қайта ишлаш юзасидан пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари тузиш;

3.2. Тузилган контрактация шартномасига мувофиқ пахта хом-ашёсини харид қилиш ва уни белгиланган режа-топшириқларига мувофиқ ўз вақтида қайта ишлаш, ишлаб чиқарилган пахта маҳсулотларини экспортга ва ички бозор истеъмолчиларига етказиб бериш, пахта етиштирувчи хўжаликларни пахтанинг жаҳон бозорида харидоргир бўлган селекция навларининг юқори кондицияли уруғлик чигитлари билан таъминлаш;

3.3. “Бухоро агрокластер” МЧЖ томонидан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланиш, пахта хом-ашёсини харид қилиш ва қайта ишлаш юзасидан тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари билан белгиланган тартибда ҳисоб-китоб қилиш;

3.4. Пахта хом-ашёсини харид қилиш, пахта толаси ва бошқа пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш, истеъмолчиларга жўнатиш ва шу маҳсулотларнинг колдиклари бўйича ҳисоб китоб юритиш, пахта хом-ашёсини харид қилиш, пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажмлари, уни экспортга ва республика истеъмолчиларига сотиш бўйича маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш;

3.5. Корхонани техник жихатдан қайта жихозлаш ва ривожлантириш билан шуғулланиш;

3.6. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бозор механизмини ривожлантириш, бозорда рақобатга бардошли, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

3.7. Корхонани техник жихатдан жихозлаш, замонавийлаштириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш, корхонани ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш;

3.8. Корхона иқтисодий, молиявий ҳолатини барқарорлаштириш, корхонада ишловчилар учун қулай, замонавий шароитлар яратиш, уларнинг иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш;

3.9. Ўзбекистон пахтани қайта ишлаш саноатининг ривожига муносиб ҳисса кушиш;

3.9.1. Ўзаро самарали ҳудудий ҳамкорлик, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

3.9.2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ташқарисида филиаллар, қўшма корхоналар, ваколатхоналар, ишлаб чиқариш цехлари таъсис этиш;

3.9.3. Шартнома асосида олий ўқув юртлари билан малакали кадрлар тайёрлаш;

3.9.4. Инвесторлар билан шартнома асосида жамиятга хўжалик фаолияти учун самарали бўлган инвестициялар киритиш;

3.9.5 Янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, 120 тонна сифимга эга бўлган музлатгичдан самарали фойдаланиш;

3.9.6. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ташқарисида юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар асосида ўзаро самарали фаолият кўрсатиш;

- Ўзбекистон Республикаси пахтани қайта ишлаш саноатининг ривожига муносиб ҳисса кўшиш;

- белгиланган тартибда инвесторлар билан шартнома асосида жамиятга хўжалик фаолияти учун самарали бўлган инвестициялар киритиш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда мол-мулк, кўчмас мулк, интеллектуал мулклар олиш, сотиш, ижарага бериш, ижарага олиш.

- ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли молларининг улгуржи ва чакана савдосини ташкил этиш;

- қишлоқ хўжалик, жумладан чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни сотиш;

- Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириш.

#### **4. Жамиятда сотиладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар бўйича маркетинг стратегияси.**

Жамият фаолиятининг ўзига ҳос хусусиятларидан келиб чиқиб, маркетинг стратегиясининг асосий масалалари:

1.1. Жамият фаолиятининг ўзига ҳос хусусиятларидан келиб чиқиб, маркетинг стратегиясининг асосий масалалари :

1) баҳони шакллантириш сиёсати;

2) миқдор бўйича бозор талаби;

3) нав ва сифат бўйича бозор талаби;

4) етказиб бериш вақти бўйича бозор талаби индивидуал ҳал қилинади.

Ишлаб чиқарилган пахта маҳсулотлари навларга қараб Бухоро вилояти Ҳокими томонидан тасдиқланган “Бухоро агрокластер” МЧЖ нинг нархномаси асосида қатъий нархларда сотилади. Прейскурант нархлари бир мавсум муддатга амал қилгани учун, бизнес-режа ҳисоб-китобларидаги даромад қисмини катта ишонччилик билан режалаш мумкин. Пахта толасининг ҳозирда амалдаги прејскурант (ўртача) нархи 10 025 000 сўм/тонна, момиқни экспортга сотиш учун 3 083 323 сўм/тонна.

Миқдор жиҳатидан олиб қаралганда марказлашган буюртма асосида маҳсулот етказиб берилиши сабабли, ишлаб чиқарилган пахта маҳсулотларининг барчаси сотилиши кафолатлидир.

Ишлаб чиқарилган пахта маҳсулотлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 августдаги ПК-456 қарорига асосан Ташқи савдо компанияларига ва Ўзбекистон республика товар-хом-ашё биржасининг валюта майдончаси орқали очиқ биржа савдоларида сотилади.

## 5. Жамиятнинг маркетинг концепцияси. Моддий ресурслар ва сотиш прогнозлари.

### 5.1. Тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш режаси.

Кутилаётган йилда маҳсулотнинг йил бошидаги, йил охиридаги қолдиғини, шунингдек сотилиши миқдорини таъминлаш учун пахта хом – ашёсини ишлатилиш миқдорини ҳам белгилаш лозим. Бунинг учун қуйидаги миқдорда пахта маҳсулотлари ишлаб сотиш режалаштирилган:

1. Пахта толаси – 10822 тн – 253 097 392 минг сўм;
2. Пахта момиғи – 857 тн-2 676 614 минг сўм;
3. Пахта калта момиғи чиқиндиси – 1246 тн – 1 060 542 минг сум;
4. Пахта улиги чиқиндиси – 0 тн;
5. Уруғлик чигит -881 тн – 20 140 254 минг сўм;
6. Техник чигит – 16 058 тн – 70 360 998 минг сўм;
7. Бошқа товар моддий бойликлар – 55 488 457 минг сўм;

Жами бўлиб 2022 йил давомида 402 824 258 минг сўмлик тайёр маҳсулот сотиш режалаштирилган.

«Когон пахта тозалаш» АЖ 2023 йилда 2022 йил пахта ҳосилидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан 167 млрд 761 млн 373 минг сум, 2022 йил пахта ҳосилидан эса 235 млрд 062 млн 885 минг сўм, жами 402 млрд 824 млн 258 минг сўм даромадни режалаштиряпти. Бунда 2023 йил ҳосилидан қуйидаги миқдордаги маҳсулотларни реализация қилиши керак бўлади:

1. Пахта толаси - 4882 тн;
2. Пахта момиғи – 457,4 тн;
3. Пахта калта момиғи чиқиндиси – 660,2 тн;
4. Техник чигит – 8519,8 тн;

Режалаштираётган йилда маҳсулот сотилиши билан бирга унинг йил бошидаги ва йил охиридаги қолдиқларини ҳам белгиланди. Бунда асосий маҳсулот - толанинг 2022 йил бошидаги 4 108 ва йил охиридаги қолдиғи 4 108 тн қилиб белгиланди. Пахта хом-ашёси 2023 йил бошида 11 585,3 тн ва йил охирида 11 585,3 тн қолдиқ бўлиши режалаштирилди. Бунинг учун пахта етиштирувчи хўжаликлардан 31 016,3 тн кг пахта қабул қилиб олиш керак.

Албатта пахта хом-ашёсини навлар бўйича қабул қилиш 2022 йил кўрсаткичига нисбатан режалаштирилган. 2023 йилда завод қуйидаги навлар бўйича пахта қабул қилишни режалаштирган:

- 1-нав – 28 651 тн
  - 2-нав – 525 тн
  - 3-нав – 153 тн
  - 4-нав – 52 тн
  - 5-нав – 1636 тн
- Жами – 31 016 тн

2023 йилда қабул қилинган пахта чораклар тақсимоотида қуйидагича ишлаб чиқаришга йўналтирилади:

- биринчи чоракда – 11585,3 тн
- иккинчи чоракда – 0,0 тн
- учинчи чоракда - 2896,8 тн

тўртинчи чорақда – 16 534,2 тн

## **5.2. Пахта хом-ашёси ва тайер пахта маҳсулотларининг нархларини бизнес-режада қўллаш динамикаси.**

Бизнес режани тузишда бу ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган пахта хом-ашёси ва қайта ишлаш жараёнида фойдаланиладиган материаллар ва эҳтиёт қисимлар асосий харажатлардан бири ҳисобланади. Бунда нархларнинг ўзгариш коэффициентлари (прогноз) асосида бизнес режада қўлланилади.

## **6. Жамиятда иш юритиш услубининг ИСО 9000 стандарти талабларига мувофиқлиги.**

Сифат менеджменти тизимини яратиш учун ташкилотнинг стратегик қарори зарур. Ташкилотнинг сифат менеджменти тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этишга ўзгарадиган эҳтиёжлар, аниқ мақсадлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятлари, қўлланилаётган технологик жараёнлар, ташкилотнинг катталиги ва тузилиши таъсир қилади. Мазкур стандарт сифат менеджменти тизимларининг ёки бир хиллаштирилган ҳужжатларнинг бир - бирига айнан ўхшаш тузилмасини белгилаш тўғрисидаги талабларни ўз ичига олмайди. Сифат менеджменти тизимларига қўйиладиган талаблар, маҳсулотга қўйиладиган талабларга нисбатдан қўшимча ҳисобланади.

Жамиятда 2010 йилдан бошлаб ИСО 9000 стандартлари талаблари бўйича иш юритиш услублари жорий қилинган бўлиб, 2010 йилда Республика миқёсидаги сертификат, 2012 йилда эса халқаро миқёсдаги сертификат олинди.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жихозлаш;

Ишлаб чиқариш сарф-харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш мақсадида жамият 2001 йилда қайта реконструкция қилиниб ЧХ агрегатлари ўрнига кам энергия табаб қилувчи 1-ХК ва УХК агрегатлари ўрнатилган.

## **7. Жамиятнинг ташкилий тузилмаси.**

Бизнес режанинг амалга оширилишини таъминлаш учун Жамият ижро этувчи аппаратининг зиммасига, асосий хизмат вазифаларидан ташқари, режалаштирилаётган йилдаги ҳамда истиқболдаги стратегик мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб қўйидаги вазифалар юклатилади:

### **1. Маъмури бошқарув бўлими:**

- бизнес режада кўрсатиб ўтилган кўрсаткичларни бажарилишида ишлаб чиқаришни тўғри ташкил қилиш моддий техника ресурслардан оқилона ва тўғри фойдаланиш, сарф харажатларнинг ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг меъёр кўрсаткичларидан ортиб кетишига йўл қўймасликни назорат қилиш, меҳнатни тўғри ташкил этиш ва мониторинг ишларини олиб бориш.

## 2. Пахта хом-ашёсини тайёрлаш ва сақлаш бўлими:

- тайёрлов бўлими пахта хом-ашёсини харид қилиш ва қайта ишлаш юзасидан пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари тузиш;

- тузилган контрактация шартномасига мувофиқ пахта хом-ашёсини харид қилиш ва уни белгиланган режа-топшириқларига мувофиқ ўз вақтида қайта ишлаш, етиштирувчи хўжаликларни пахтанинг жахон бозорида харидоргир бўлган селекция навларининг юқори кондицияли уруғлик чигитлари билан таъминлаш

## 3. Тайёр маҳсулотларни етказиб беришни ташкил этиш ва логистика бўлими:

- ишлаб чиқарилган пахта маҳсулотларини экспортга ва ички бозор истеъмолчиларига етказиб бериш.

## 4. Техник назорат, метрология ва лаборатория бўлими:

- қабул қилинаётган пахта хом-ашёсидан бошлаб унинг сақланиши, қайта ишланиши ва харидор ва буюртмачиларга сифатли етказиб беришни назорат қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш устидан доимий мониторинг олиб бориш.

## 5. Ишлаб чиқариш бригадалари :

- ишлаб чиқариш бригадаларининг асосий вазифаси бу иш вақтидан унумли фойдаланиш, ёқилғи, энерго-ресурслар ва ўров материаллари сарф-харажатларини ошиб кетишига йўл қўймасдан ишлаб чиқариш режа ва топшириқларини сифат кўрсаткичларини ошириб бориш.

## 6. Ёнғиндан сақлаш ва кўриклаш бўлими:

- ёнғиндан сақлаш ва кўриклаш бўлими ходимлари зиммасига жамиятга тегишли бўлган барча моддий бойликлар ва хом-ашёларнинг сақланиши устидан қаттиқ назорат олиб бориш, жамият худудига бегона шахсларнинг рухсатсиз киришига йўл қўймаслик, ёнғин ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишни назорат қилиб бориш юклатилади.

## 7. Маъмурий хўжалик бўлими:

- маъмурий хўжалик бўлими ходимларига жамият худуди ва маъмурий ва ишлаб чиқариш биноларининг тоза сақланиши, жамиятдаги ер майдонларига мевали ва манзарали дарахтларни экиб парвариш қилиш, ободонлаштириш ишларини олиб бориш.

## 8. Қишлоқ хўжалиги техникалари бўлими:

- корхонада мавжуд техникалар ҳолати, ишлатилиши, ҳар бир техника кесимида бажариладиган ишлардан олинадиган даромад ва харажатларни ҳисобини юритиб бориш.

## 9. Қишлоқ хўжалигида ерлар билан ишлаш бўлими:

- янги ерларни ўзлаштириш ишларини бориши таҳлили, қишлоқ хўжалиги бўлимида пахта ва ғалла экинлари учун ажратилган ер майдонларида ҳар бир бўлим ва контурлари кесимида амалга оширилган агротехник тадбирлар акс эттирилган ҳисоботларни юритиш .

## 9. Пахта тайёрлов масканлари:

- Корхона қошидаги ва Коровулбозор пахта тайёрлов масканлари мудирлари ва ходимларига тайёрланган пахта хом-ашёсини сифатли сақлаш ва қайта ишлаш жараёнига етказиб беришни тўғри ташкил қилиш топширилади.



## 8. 2023 йилда жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ харажатлари

2023 йилда жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ харажатлар қуйидагилардан иборат бўлади:

- маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар (жадвал №5);
- давр харажатлари (жадвал №8);
- молиявий фаолият бўйича харажатлар (жадвал №8).

2023 йил учун жамият харажат қисми қуйидагилардан иборат бўлади: давр харажатлари яъни маъмурий харажатлар, сотиш харажатлари ва бошқа операция харажатлар. Қуйида келтирилган харажатлар жамиятнинг ўсувчи даромад режасига мувофиқ режалаштирилган. Мос равишда йил давомида кучли форс-мажор оқибатлари натижасида кўзланган даромад олинмай қолса, жамият бизнес-режанинг даромад ва харажат қисмига ўзгартириш (корректур) киритади. Бунга реал даромадларнинг камайиш даражасига мос равишда, эгилувчан режалаштириш тамойилларига мувофиқ харажат қисми ҳам қисқартириб борилади.

### 8.1. Жамиятда 2023 йилда тайёр пахта маҳсулотларининг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар режаси

5-жадвал

Харажат номи	Чорақлар тақсимоотида харажатлар				
	I чорақ	II чорақ	III чорақ	IV чорақ	Жами 2023 йилда
Ишлаб чиқаришга бериладиган пахта хом-ашёси қиймати, минг сўмда	103 158 512	0	26 397 822	135 422 953	264 979 286
Иш хақи	3 230 971	0	3 285 113	3 449 138	9 965 222
Иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан ягона ижтимоий тўлов	387 717	0	394 214	413 897	1 195 827
Асосий воситаларининг эскириш ажратмаси	191 510	0	191 510	191 510	574 530
Ўров материаллари харажати	1 552 500	0	517 500	1 737 420	3 807 420
Электр энергияси	465 405	0	296 815	1 341 130	2 103 350
Газ	60 145	0	46 345	90 045	196 535
ЁММ	23 115	0	31 855	41 630	96 600
Техника ускуналари ва кичик механизмларни таъмирлаш	1 013 375	0	1 116 775	1 660 336	3 790 486
Пахтани маскандан ташиш харажати	1 035 000	0	126 500	1 184 845	2 346 345
Пахта етиштирувчи хўжаликлардан ташиш харажатлари	0	0	253 575	306 533	560 108
Материалларни хўжалик ишларига ишлатиш	92 920		95 450	126 270	314 640
Хизмат сафари харажатлари	7 500	0	8 000	9 000	24 500
Бошқа харажатлари	416 300	0	418 945	497 490	1 332 735
Бино ва иншоотларни жорий таъмирлаш	85 000	0	114 000	165 000	364 000
<b>Жами</b>	<b>111 719 969</b>	<b>0</b>	<b>33 294 418</b>	<b>146 637 195</b>	<b>291 651 583</b>

## 8.2. Жамиятда 2023 йилда кутилаётган давр харажатлари ва молиявий фаолият бўйича харажатлар

8-жадвал

Харажатлар тури	Чораклар тақсимоотида				Жами 2023 йилда
	I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак	
<b>Сотиш харажатлари</b>					
Иш хаки	178 480	138 690	133 803	212 750	663 723
Иш хакига нисбатан ажратма	21 418	16 643	16 056	25 530	79 647
Асосий восита эскириш ажратмаси	6 670	6 670	6 670	6 670	26 680
ЁММ	10 925	5 124	16 100	29 440	61 589
Махсул.сертификатлаш харажати	98 095	75 095	51 750	98 095	323 035
Транспорт харажатлари	6 716	5 177	14 651	16 457	43 001
Кадр тайёрлаш харажати	1 725	2 875	1 150	1 725	7 475
Техник чигит табиий камайиш	0	0	0	0	0
Уруглик чигит ишлаб чиқариш харажатлари	29 722	144 555	0	97 750	272 027
Уруглик чигит махсулотнинг ташиш харажати	328 440	341 205	0	403 018	1 072 663
Инвентар харажати (лапата, вилы, ведро)	103 270	75 210	69 092	101 890	349 462
<b>Жами сотиш харажатлари</b>	<b>785 460</b>	<b>811 245</b>	<b>309 272</b>	<b>993 324</b>	<b>2 899 301</b>
<b>Маъмурий харажатлар</b>					
Иш хаки	634 886	598 380	681 145	687 470	2 601 881
Иш хакига нисбатан ажратма	76 186	71 806	81 737	82 496	312 226
Асосий восита эскириш ажратмаси	86 940	86 940	86 940	86 940	347 760
Канцелярия моллари	13 800	13 800	13 800	13 800	55 200
Оргтехникаларнинг ижара хаки	0	0	0	0	0
Дастурий тех.хизмат курсатиш (IP тел., сеть вабошка даст.хиз)	18 170	20 125	25 875	28 750	92 920
Интернет хизмати	7 475	7 475	7 475	7 475	29 900
Установка антен и камер наб(ремонт, замена кам.наб)	9 430	8 625	17 998	17 710	53 763
Оргтехникаларни таъмирлаш харажати	6 325	5 175	17 825	20 470	49 795
Обуна харажати	9 200	6 900	0	28 750	44 850
Газ	2 875	2 875	2 875	3 450	12 075
Хизматит сафари харажати	22 425	20 470	19 895	24 541	87 331
Электро энергия	8 625	7 475	6 325	9 775	32 200
Транспорт хизмати	4 888	4 370	3 738	5 578	18 573
АТС хизмати (Uz Mobile, Telekom)	1 150	1 150	1 150	6 325	9 775
Мобил телефон хизмати (perfectum, beeline)	1 725	1 725	1 725	2 070	7 245
Махсус алоқа хизмати	1 725	1 725	1 725	1 725	6 900
Кадрлар тайёрлаш харажати	575	575	575	575	2 300
Инвентар харажати	63 250	75 670	86 250	111 320	336 490
Бошқа кузда тугилмаган харажатлар	98 670	83 318	75 751	109 595	367 333
<b>Жами маъмурий харажатлар</b>	<b>185 800</b>	<b>142 650</b>	<b>150 700</b>	<b>165 500</b>	<b>4 468 515</b>
<b>Бошқа операцион харажатлар</b>					
Банк хизмати	143 750	132 250	155 250	155 250	586 500
Консултация ва аудит хизматлари	2 300	34 500	2 300	4 025	43 125
Жарималар ва пенялар	7 475	7 475	7 475	7 475	29 900
Суд харажатлари	9 775	9 775	9 775	9 775	39 100
Кузатув кенгаши ва тафтиш аъз. иш хакиси ва ажрат.	41 400	41 400	41 400	41 400	165 600
Касб касаллиги туфайли компенсация тулови	74 980	74 980	74 980	74 980	299 920

Икки ёшгача болага караш учун компенсация	16 675	13 800	11 040	16 675	58 190
Бепул овкатланиш	143 750	132 940	179 170	196 075	651 935
Ишчиларга моддий ердам (меҳнат таътилига, туй марака)	40 825	36 800	35 018	46 345	158 988
Байрам кунларига утказиладиган тадбир харажатлари	97 750	71 875	64 170	109 710	343 505
Қасаллик варақаси бўйича тўлов	20 700	17 825	17 595	29 670	85 790
Ишчи ва хизматчиларни сугурталаш	0	0	0	65 000	65 000
Товукхона харажати	0	0	0	0	0
Иссикхона харажати	0	0	0	0	0
Музлатгич харажати	5 000	0	0	5 000	10 000
Транспорт учун компенсация	40 250	25 300	28 750	51 750	146 050
Мулк солиғи	140 000	140 000	140 000	140 000	560 000
Ер солиғи	174 000	174 000	174 000	174 000	696 000
Сув солиғи	4 000	4 000	4 000	4 000	16 000
Бошқа кузда тўтилмаган харажатлар (хомийлик)	925 600	1 065 047	2 450 600	2 550 000	6 991 247
<b>Жами бошқа операцион харажатлар</b>	<b>1 888 230</b>	<b>1 981 967</b>	<b>3 395 523</b>	<b>3 681 130</b>	<b>10 946 850</b>
<b>Жами давр харажатлари</b>	<b>2 859 490</b>	<b>2 935 862</b>	<b>3 855 494</b>	<b>4 839 954</b>	<b>18 314 666</b>
<b>Молиявий фаолият бўйича харажатлар</b>					
Банк кредити фойзалари тўлови	5 730 800	4 130 108	5 445 700	5 277 570	20 584 178
Жамғармадан олинган маблағлар учун маржа тўловлари	0	0	0	0	0
<b>Жами молиявий фаолият бўйича харажатлар</b>	<b>5 730 800</b>	<b>4 130 108</b>	<b>5 445 700</b>	<b>5 277 570</b>	<b>20 584 178</b>

## 9. Жамиятнинг 2023 йилга мўлжалланган молиявий режаси.

Жамият томонидан 2023 йил давомида жами 402 824 258 минг сўмлик даромад олинади.

Жами давр харажатлари 14 490 800 минг сўм, шу жумладан: сотиш харажатлари 2 899 301 минг сўм, маъмурий харажатлар 644 650 минг сўм, бошқа операцион харажатлар 10 946 849 минг сўм миқдориде режалаштирилди.

Асосий воситаларни ижарага бериш ва бошқа тўловлар ҳисобидан 1 200 минг сўм асосий фаолиятни бошқа даромадлар кутилмоқда.

2023 йил натижаси бўйича жамиятнинг инвестицион пакети таркибига кирувчи корхоналар дивидендлари ҳисобидан 4 000 минг сўм даромад кутилмоқда.

Жами 2023 йил давомида жамиятнинг солиқлар тўлагунга қадар фойдаси 2 110 523 минг сўмни ташкил қилиши режалаштирилган. 2022 йил якуни бўйича 644 194 минг сўм соф фойда олиши режалаштирилган.

Жамият томонидан 2023 йил давомида жами 402 824 258 минг сўмлик даромад олинади. Кутилаётган даромадлар, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва сотиш ҳисобидан тушадиган маблағлар 9-жадвалда акс эттирилган.

## 10. Жамиятда дебиторлик ва кредиторлик қарзларни камайтириш режаси.

2023 йил давомида сотиладиган маҳсулот ва кўрсатиладиган хизматлардан 402 824 258 минг сўмлик тушум олиниши ва харидорлар, буюртмачилар ҳамда пахта етиштирувчи хўжаликларга 271 754 951 минг сўмлик тўловларни амалга ошириш режалаштирилган. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти давомида корхона ва ташкилотлар, пахта етиштирувчи хўжаликлар ҳамда ходимлар билан ҳисоб-

китобларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларни камайтириш жамият бош директори томонидан доимий назоратга олиниши режалаштирилган.

## 11. Жамиятнинг 2023 йилда кутилаётган бухгалтерия баланси.

Курсаткичлар номи	Сатр коди	01.01.2023 й. ҳолатига	01.01.2024 й. ҳолатига
I	2	3	4
<b>Актив</b>			
<b>I. Узоқ муддатли активлар</b>			
Бошланғич (кайта тиклаш) қиймати (0100, 0300)	010	25 616 391	26 950 660
Эскириш суммаси (0200)	011	11 119 758	12 632 824
қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 010 - 011)	012	<b>14 496 633</b>	<b>14 317 836</b>
<b>Номоддий активлар:</b>			
Бошланғич қиймати (0400)	020		
Амортизация суммаси (0500)	021		
Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 020 - 021)	021	0	0
Узоқ муддатли инвестициялар, жами (сатр.040+050+060+070+080), шу жумладан:	030	<b>2 334 381</b>	<b>2 334 381</b>
Қимматли қоғозлар (0610)	040	247 486	247 486
Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620)	050	2 086 895	2 086 895
қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630)	060		
Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640)	070		
Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690)	080		
Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (0700)	090		
Капитал қўйилмалар (0800)	100		
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари (0910, 0920, 0930, 0940)	110	734 414	734 414
Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар (0950, 0960, 0990)	120		
<b>I бўлим бўйича жами</b> (сатр. 012+022+030+090+100+110+120)	130	<b>17 565 428</b>	<b>12 073 635</b>
<b>II. Жорий активлар</b>			
Товар-моддий захиралари, жами (сатр.150+160+170+180), шу жумладан:	140	<b>200 240 983</b>	<b>153 034 699</b>
Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	150	107 165 070	115 331 652
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700)	160	655 222	386 840
Тайёр маҳсулот (2800)	170	90 687 372	100 287 406
Товарлар (2900 дан 2980 нинг айирмаси)	180	1 733 319	948 465
Келгуси давр харажатлари (3100)	190	1 767 351	1 532 645
Кечиктирилган харажатлар (3200)	200		
Дебиторлар, жами (сатр.220+240+250+260+270+280+290+300+310)	210	<b>88 433 348</b>	<b>71 376 667</b>
шундан: муддати ўтган	211		
Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси)	220		
Ажратилган бўлимларнинг қарзи (4110)	230		
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзи (4120)	240	9 095 160	7 673 405
Ходимларга берилган бунақлар (4200)	250		
Мол этказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бунақлар (4300)	260	61 979 360	52 336 847
Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бунақ тўловлари (4400)	270	136 320	0
Мақсадли давлат жамғармалари ва сугурталар бўйича бунақ тўловлари (4500)	280	875	0
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600)	290		
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)	300	0	0
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	310	17 221 633	11 366 415
<b>Пул маблағлари, жами</b> (сатр.330+340+350+360), шу жумладан:	320	<b>1 634 510</b>	<b>590 605</b>
Кассадаги пул маблағлари (5000)	330		
Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари (5100)	340	694 397	224 750
Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200)	350		

Бошка пул маблаглари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700)	360	940 113	365 855
Қиска муддатли инвестициялар (5800)	370	6 204 000	2 000 000
Бошка жорий активлар (5900)	380		
<b>II бўлим бўйича жами (сатр.140+190+200+210+320+370+380)</b>	<b>390</b>	<b>298 280 192</b>	<b>228 534 616</b>
<b>Балаис активи бўйича жами (сатр.130+390)</b>	<b>400</b>	<b>315 845 620</b>	<b>309 123 773</b>
<b>Курсаткичлар номи</b> <b>Наименование показателя</b>	Сатр коди Код стр.	<b>01.01.2023 й.</b> <b>хोलатига</b>	<b>01.01.2024 й.</b> <b>хोलатига</b>
<b>I</b>	<b>2</b>		
<b>Пассив</b>			
<b>I. Уз маблаглари манбалари</b> <b>I. Источники собственных средств</b>			
Устав капитали (8300) Уставный капитал (8300)	410	6 960 000	6 960 000
Қушилган капитал (8400) Добавленный капитал (8400)	420		
Резерв капитали (8500) Резервный капитал (8500)	430	3 083 807	3 445 203
Сотиб олинган хусусий акциялар (8600) Выкупленные собственные акции (8600)	440		
Таксимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700) Нераспределенная прибыль (непокрытый убыток) (8700)	450	11 230 808	11 875 002
Максадли тушумлар (8800) Целевые поступления (8800)	460	24 039 954	24 039 954
Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар (8900) Резервы предстоящих расходов и платежей (8900)	470	1 670 000	
<b>I бўлим бўйича жами (сатр.410+420+430+440+450+460+470)</b> <b>Итого по разделу I (стр.410+420+430+440+450+460+470)</b>	<b>480</b>	<b>46 984 569</b>	<b>46 320 159</b>
<b>II. Мажбуриятлар</b> <b>II. Обязательства</b>			
Узок муддатли мажбуриятлар, жами (сатр.500+520+530+540+550+560+570+580+590) Долгосрочные обязательства, всего (стр.500+520+530+540+550+560+570+580+590)	490		
шу жумладан: узок муддатли кредиторлик қарзлари (сатр.500+520+540+560+590) в том числе: долгосрочная кредиторская задолженность (стр.500+520+540+560+590)	491		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга узок муддатли қарз (7000) Долгосрочная задолженность поставщикам и подрядчикам (7000)	500		
Ажратилган бўлинмаларга узок муддатли қарз (7110) Долгосрочная задолженность обособленным подразделениям (7110)	510		
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга узок муддатли қарз (7120) Долгосрочная задолженность дочерним и зависимым хозяйственным обществам (7120)	520		
Узок муддатли кечиктирилган даромадлар (7210, 7220, 7230) Долгосрочные отсроченные доходы (7210, 7220, 7230)	530		
Солик ва мажбурий тўловлар бўйича узок муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7240) Долгосрочные отсроченные обязательства по налогам и обязательным платежам (7240)	540		
Бошка узок муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7250, 7290) Прочие долгосрочные отсроченные обязательства (7250, 7290)	550		
Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бунақлар (7300) Авансы, полученные от покупателей и заказчиков (7300)	560		
Узок муддатли банк кредитлари (7810) Долгосрочные банковские кредиты (7810)	570		
Узок муддатли қарзлар (7820, 7830, 7840) Долгосрочные займы (7820, 7830, 7840)	580		
Бошка узок муддатли кредиторлик қарзлар (7900) Прочие долгосрочные кредиторские задолженности (7900)	590		
<b>Жорий мажбуриятлар, жами (сатр.610+630+640+650+660+670+680+690+700+710+720+730+740+750+760)</b> <b>Текущие обязательства, всего (стр.610+630+640+650+660+670+680+690+700+710+720+730+740+750+760)</b>	<b>600</b>	<b>268 861 051</b>	<b>262 803 614</b>
шу жумладан: жорий кредиторлик қарзлари (сатр.610+630+650+670+680+690+700+710+720+760) в том числе: текущая кредиторская задолженность (стр.610+630+650+670+680+690+700+710+720+760)	601	268 861 051	262 803 614
шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик қарзлари из нее: просроченная текущая кредиторская задолженность	602		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000) Задолженность поставщикам и подрядчикам (6000)	610	5 233 570	4 295 335
Ажратилган бўлинмаларга қарз (6110) Задолженность обособленным подразделениям (6110)	620		
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга қарз (6120) Задолженность дочерним и зависимым хозяйственным обществам (6120)	630	250 582 605	246 814 986
Кечиктирилган даромадлар (6210, 6220, 6230) Отсроченные доходы (6210, 6220, 6230)	640		
Солик ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240) Отсроченные обязательства по налогам и обязательным платежам (6240)	650		
Бошка кечиктирилган мажбуриятлар (6250, 6290)	660		

Прочие отсроченные обязательства (6250, 6290)			
Олинган бунақлар (6300) Полученные авансы (6300)	670		
Бюджетга тўловлар буйича қарз (6400) Задолженность по платежам в бюджет (6400)	680	9 090 888	6 010 857
Сугурталар буйича қарз (6510)	690		
Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар буйича қарз (6520)	700	193 687	350 877
Таъсисчиларга булган қарзлар (6600)	710	278 331	195 860
Меҳнатга ҳақ тўлаш буйича қарз (6700)	720	848 670	1 470 854
Қисқа муддатли банк кредитлари (6810)	730		
Қисқа муддатли қарзлар (6820, 6830, 6840)	740		
Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми (6950)	750		
Бошқа кредиторлик қарзлар (6950 дан ташқари 6900)	760	2 633 300	3 664 845
II бўлим буйича жами (сатр.490+600)	770	268 861 051	262 803 614
Баланс пассиви буйича жами (сатр.480+770)	780	315 845 620	309 123 773

## 12. 2023 йилда қўтилаётган молиявий натижалари.

Кўрсаткичлар номи	Сатр номери	2023 йил I чорак		2023 йил 6 ойлик		2023 йил 9 ойлик		2023 йиллик	
		Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	010	125 429 466		170 590 767		226 119 880		402 824 258	
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннарихи	020		116 415 601		154 063 062		199 732 019		365 643 957
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси	030	9 013 866		16 527 706	0	26 387 860	0	37 180 301	
Давр харажатлари, шу жумладан:	040		2 859 490		5 795 352		9 650 846		14 490 800
Сотиш харажатлари	050		785 460		1 596 705		1 905 977		2 899 301
Маъмурий харажатлар	060		185 800		328 450		479 150		644 650
Бошқа операцион харажатлари	070		1 888 230		3 870 197		7 265 720		10 946 849
Келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари	080								
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	090	200		200		700		1 200	
Асосий фаолиятнинг фойдаси	100	6 154 576		10 732 554		16 737 714		22 690 701	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, шу жумладан:	110	0		0		4 000		4 000	
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	120					4 000		4 000	
Фондлар шаклидаги даромадлар	130								
Узоқ муддатли ижара (лизинг) дан даромадлар	140								
Валюта курси фарқидан даромадлар	150								
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	160								
Молиявий фаолият буйича харажатлар, шу жумладан:	170		5 730 800		9 860 908		15 306 608		20 584 178
Фондлар шаклидаги харажатлар	180		5 730 800		9 860 908		15 306 608		20 584 178
Узоқ муддатли ижара (лизинг) буйича фондлар шаклидаги харажатлар	190								
Валюта курси фарқидан зарарлар	200								
Молиявий фаолият буйича бошқа харажатлар	210		0		0		0		0
Умумҳужалик фаолиятнинг фойдаси	220	423 776		871 646		1 435 106		2 110 523	
Фавқуллоддаги фойда ва зарарлар	230								
Фойда солиғини тўлашга қадар фойда (зарар)	240	423 776		871 646		1 435 106		2 110 523	

Фойда солиғи	250		288 566		595 747		960 016		
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар	260								
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	270	135 209		275 899		475 090		644 194	

### 13. Хулоса.

Жамиятнинг 2023 йилдаги асосий ҳамда инвестицион фаолиятдан олинadиган жами соф фойдаси 644 194 минг сўмни ташкил қилиши кўзда тутилган. Бу 2022 йилдаги бизнес режа кўрсаткичига нисбатан 107,96 фоизни ташкил қилади.

Мазкур бизнес режани тасдиқлангандан кейин ҳам ривожлантириш мумкин. Унда ҳамма нарсани қамраб олиш ва узоқ вақт унга ўзгартиришлар киритмаслик доим ҳам мумкин бўлавермайди. Режани ишлаб чиқиш жараёни ташқи муҳит ўзгаришларига нисбатан таъсирчандир. Бозорда рақобатнинг қутилмаган қирралари намоён бўлади, нархларнинг кутарилиши ва пасайиши юз бериб туради, бошқарувга янгича ёндашувлар пайдо бўлади, шунинг учун бизнес режага акциядорлар умумий йиғилишда тасдиқлангунга қадар ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш мумкин.

**“Когон пахта тозалаш” АЖ**  
бош директори

**Ф.Фаттоев**

**Молиявий масалалар бўйича**  
директор – Бош бухгалтер

**Х.Очилов**

**Стратегик режалаштириш ва бизнесни**  
ривожлантириш бўлими бошлиғи

**Б.Бозоров**

### 14. Иловалар: